

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

НУРАЛИЕВА ДИЛАФРУЗ МАМАДИЁРОВА

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ВА АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯЛИ
БЕМОРЛАРДА ҚОБИҚҚА БОҒЛИҚ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЎЗИГА
ХОСЛИГИ ВА УЛАРНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Нуралиева Дилафруз Мамадиёровна

Юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли
беморларда қобикқа боғлиқ ўзгаришларнинг ўзига
хослиги ва уларнинг коррекцияси..... 3

Нуралиева Дилафруз Мамадиёровна

Особенности мембранозависимых изменений у больных
ишемической болезнью сердца в сочетании с артериальной
гипертонией и их коррекция..... 21

Nuralieva Dilafruz Mamadiyorovna

Features of membrane-dependent changes in patients
with coronary heart disease in combination with
arterial hypertension and their correction..... 37

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 41

**РЕСПУБЛИКА ИХТИСОСЛАШТИРИЛГАН КАРДИОЛОГИЯ
ИЛМИЙ-АМАЛИЙ ТИББИЁТ МАРКАЗИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc. 04/30.12.2019.Tib.64.01
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТИББИЁТ ХОДИМЛАРИНИНГ КАСБИЙ МАЛАКАСИНИ
РИВОЖЛАНТИРИШ МАРКАЗИ**

НУРАЛИЕВА ДИЛАФРУЗ МАМАДИЁРОВА

**ЮРАК ИШЕМИК КАСАЛЛИГИ ВА АРТЕРИАЛ ГИПЕРТОНИЯЛИ
БЕМОРЛАРДА ҚОБИҚҚА БОҒЛИҚ ЎЗГАРИШЛАРНИНГ ЎЗИГА
ХОСЛИГИ ВА УЛАРНИНГ КОРРЕКЦИЯСИ**

14.00.06 – Кардиология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2021

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.2.PhD/Tib1162** рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (узбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.cardiocenter.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Тулабоева Гавхар Мирокборовна
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Мухамедова Муяссар Гафуржановна
тиббиёт фанлари доктори

Расулова Зулфия Дадаевна
тиббиёт фанлари доктори

Етакчи ташкилот:

Андижон давлат тиббиёт институти

Диссертация химояси Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази ҳузуридаги **DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01** рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил 14 «сентябр» соат 14:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100052, Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz).

Диссертация билан Республика ихтисослаштирилган кардиология илмий-амалий тиббиёт маркази Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (4 рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100052, Тошкент Мирзо Улуғбек тумани, Осиё кўчаси, 4-уй. Тел./Факс (99871) 237-31-57).

Диссертация автореферати 2021 йил 14 «август» куни тарқатилди.
(2021 йил 14 «август» даги 14 рақамли реестр баённомаси)



Р.Д. Курбанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, академик

Г.У. Муллабаева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш кенгаши илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

А.Х. Абдуллаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси уринбосари, тиббиёт фанлари доктори

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертация аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Олинган сўнги маълумотларга кўра, юрак-қон томир тизими хасталиги ривожланган мамлакатлар аҳолиси ўртасида ўлим ва ногиронлик кўрсаткичларининг юқори бўлишида асосий омил ҳисобланади. Кузатувларга кўра йил сайин ушбу хасталикнинг учраш даражаси ва унинг оғир турдаги клиник кўринишлари ортиб бормоқда. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти берган маълумотлари кўра, «юрак-қон томир касаллиги (ЮКТК) ўлимининг 80% дан ортиғи кам ва ўрта даромадли мамлакатларга тўғри келади ва деярли тенг даражада эркаклар ва аёллар ўртасида учрайди. ЮКТК дан ҳар йили 17,5 миллиондан ортиқ киши нобуд бўлади»¹. ЮКТК касаллигининг турли кўринишлари бирга кечиши ногиронлик ва ўлимнинг учрашини кескин ошишига олиб келади. Бу борада, энг кўп тарқалган артериал гипертония (АГ) ва юрак ишемик касаллигининг (ЮИК) комбинацияси кардиологиянинг долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Жаҳонда сўнги йилларда юрак ишемик касаллиги артериал гипертония билан бирга келган беморларда юрак-қон томир касаллигидан келиб чиқадиган асоратлар ва ўлим хавфи ошишининг олдини олиш чоратадбирлари самарадорлигига эришиш мақсадида қатор илмий тадқиқотлар амалга оширилмоқда. Юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияси бор беморларда агрегацион тизимнинг фаоллигини ошишининг, тромбоцитлар қобиғидаги деструктив ўзгаришларнинг механизмларини сабабларини аниқлаш, юрак қон-томирларининг эндотелиал дисфункциясини эрта аниқлаш мезонларини ишлаб чиқиш, махсус биокимёвий ва иммунологик факторларини ҳисобга олган ҳолда коррекция қилиш усулларини мақбуллаштириш, юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларнинг ҳаёт сифатини яхшилаш, давомийлигини узайтириш, асоратлар олдини олиш йулида дифференцирланган ёндашув усулларни ишлаб чиқиш долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистонда аҳолига сифатли ихтисослаштирилган кардиологик ёрдам кўрсатиш ва амалий тиббиётга юқори технологик услубларни жорий қилиш бўйича кенг қўламли чора тадбирлар амалга оширилмоқда. Республикамизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ва ижтимоий-тиббий хизмат кўрсатишни қулайлиги ҳамда сифатини ошириш, аҳоли орасида соғлом турмуш тарзини шакллантириш, замонавий ташхислаш ҳамда даволаш усулларини такомиллаштириш ва юрак-қон томир касалликларини даволаш самарадорлигини оширишга қаратилган чора тадбирларни амалга оширишга диққат билан эътибор қаратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»², 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон

¹ Всемирная организация здравоохранения. Мировая статистика здравоохранения – 2019. ВОЗ, 2019 г.

² «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида» ги ПФ-4947-сон Фармони, ЎзР. Қонун Хужжатлари тўплами, 2017 йил

«Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2018 йил 18 декабрдаги ПҚ-4063-сон «Юқумли бўлмаган касалликларнинг профилактикасини, соғлом турмуш тарзини қўллаб қувватлаш ва аҳолининг жисмоний фаоллик даражасини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПҚ-4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация иши муайян даражада хизмат қилади.

Ушбу маълумотлар тадқиқотни долзарблигини кўрсатиб, юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертониянинг шаклланиши ва ривожланишидаги турли хил патогенетик алоқалар ўртасидаги муносабатни очиқ беришга ва персонифицирланган терапиянинг янги ёндашувларини ишлаб чиқишга қаратилган.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устивор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Жаҳон тиббиётида юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертониянинг юзага келиш сабабларини ва ривожланишининг патогенетик механизмлари, даволашни оптималлаштиришни ўрганиш бўйича бир қатор тадқиқотлар амалга оширилган. Жумладан; “Linköping University Medical” унверситетида олиб борилган илмий тадқиқот иши икки қисмдан иборат: биринчи қисмда тромбоцитлар учун асосий, таянч (базовый) изланиш олиб борилган, кейинги қисмида эса юрак ишемик касаллиги стабил зўриқиш стенокардияси ва бўлмачалар фибрилляцияли беморларда тромбоцитнинг реактив ҳолати ўрганилган [Micha M. 2010 й.]. Дандерид тиббиёт институти (Швеция, Стокгольм ш.) Ички касалликлар кафедраси ходимлари томонидан тромбоцитлар функциясини ва антиагрегант (клопидогрел) дори воситасини ишемик инсулт (ИИ) ёки транзитор ишемик ҳужм (ТИХ) билан оғриган беморларда тромбин ҳосил бўлишига клопидогрел таъсири самарадорлиги текширилган [Annika L. 2018 й.]. Н.С.Карманованинг тадқиқотида юрак ишемик касаллиги ва семизлик билан бирга келган вақтда бир марталик овқат зўриқтириш усулида тромбоцит қобиғига орлистат дори воситасининг таъсири самараси ўрганилган бўлса [Карманова Н. С. 2002 й.].

Навбатдаги илмий тадқиқотда, гипертония касаллиги ва семизлик билан оғриган беморларда ўсимлик манбаларидан ажратиб олинган фосфолипидларнинг турли миқдорда рационга киритиш билан антиатероген диетанинг самарадорлигини ўрганиш келтирилган [Мусаев А.Т. 2019 й.].

Шунингдек, россиялик олимлар томонидан телмисартан, эпросартан дори воситасининг артериал гипертония ва юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда клиник-гемодинамик ва махсус биокимёвий (тромбоцит

қобиғида липидларни перекис оксидланиш) таққосий таъсири ҳам текширилган [Бердинских С. Г. 2014 й.].

Республикамик миқёсида ҳам юрак ишемик касаллиги билан оғриган беморларда тромбоцитлар, эритроцитлар қобиғининг дисметаболизимиға бағишланган бир қатор монографик ишлар мавжуд. Жумладан, инфаркт миокардли беморларда тромбоцит қобиғидаги фосфолипид ва холестерин ва унинг метаболитлари бузилиши ва тромбоцит агрегацион фаоллигини ўрганиш [Тулабоева Г.М. 2003 й.], ўткир миокард инфарктли беморларда, тромбоцит қобиғидаги деструктив ўзгаришлар таҳлили ва уларға ацетилсалицил кислота, тиклопидин таъсири ҳамда лазер нурланишининг таъсир самарадорлигини очиб бериш [Рахимов Ш.М. 2002 й.], антиоксидант кавергал дори воситаси ва юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда комплекс давосида самарасини баҳолаш [Сағатова Х.М. 2008 й.], реабилитация босқичида постинфаркт кардиосклерозли беморларда қон томирлари ичидаги лазер нурланиш ва гепарин электрофорезни қўллаш самарадорлигини аниқлаш [Иргашева Б.Т. 1998 й.], миокард инфарктли беморларда хужайра мембраналари таркибий ва функционал ҳолатининг ташкил этилиши ва унинг баъзи биоритмологик жиҳатларини баҳолаш масалалари тадқиқ этилган [Эмирова А.А. 1994 й.].

Юкорида келтирилган адабиётлар таҳлили юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертония билан касалланган беморларнинг прогнозига салбий таъсир кўрсатишини тасдиқлайди. Шу сабабли юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертониянинг шаклланиши ва ривожланишидаги турли хил патогенетик алоқалар ўртасидаги муносабатни очиб беришга ва персонифицирланган терапиянинг янги ёндашувларини ишлаб чиқиш долзарб муаммоларидан бири ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотнинг диссертация бажарилган илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент врачлар малакасини ошириш институтининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №0196 0004420-сон «Юрак-қон томир тизимининг ёшга боғлиқ жиҳатлари» мавзуси доирасида бажарилган (2012-2017 йй.)

Тадқиқотнинг мақсади юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда тромбоцит қобиқ моделидаги, қобиқ-деструктив ўзгаришларни аҳамиятини аниқлаш асосида уларнинг терапиясида дифференциал ёндашишни такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертония фонида кечганда беморларнинг клиник-гемодинамик, функционал кўрсаткичларини артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги бўлган беморлар билан қиёсий баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда тромбоцит қобиғидаги фосфолипидлар, холестерин ва унинг метаболитлари ҳолатини баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда тромбоцитлар агрегацион фаоллиги ва яллиғланиш маркёрлари ҳолатини баҳолаш;

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда ангиотензин айлантирувчи фермент ингибиторлари (ААФИ) ва ангиотензин рецептор антагонистлари (АРА) дори воситаларини қобиқстабиллаштирувчи ва яллиғланишга қарши таъсир самарадорлигини қиёсий баҳолаш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2016-2018 йилларда Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш маркази кардиология ва геронтология кафедраси базаларида: Республика ихтисослаштирилган илмий амалий кардиология маркази, Тошкент шаҳридаги №7 сонли клиник шифохона ва МЧЖ “Науат medical center” хусусий клиникасида ЮИК I-II функционал синф (ФС) ва АГ I-II даражаси билан оғриган жами 131 нафар беморлар олинди.

Тадқиқотнинг предмети сифатида беморларнинг веноз қони зардоби, махсус лаборатор ва биокимёвий ҳамда иммунологик текширувлар олинди.

Тадқиқотнинг услублари. Диссертация ишида клиник, биокимёвий, ва махсус биокимёвий (фосфолипид ва уларнинг фракциялари, холестерин ва унинг метаболитлари, иммун яллиғланиш кўрсаткичлари), асбобий (суткалик ЭКГ мониторинги, ЭхоКГ, ВЭМ синамаси) ва статистик усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертония билан бирга кечишида тромбоцит қобиғининг патологик деструктив ўзгаришларининг яққоллиги, шунингдек тромбоцитнинг агрегацион фаоллигини ошишининг эндотелиал дисфункция ва вазоспазмнинг ривожланишида муҳим патогенетик аҳамияти тўла аниқланган;

илк бор юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертониянинг шаклланиб бориши ва зурайишида биохимик ўзгаришлар, жумладан тромбоцит агрегацион фаоллиги ортиб бориши унинг структуравий, функционал ва яллиғланишга қарши кўрсаткичларининг жаддалашуви билан бевосита бузилиши ўртасида боғлиқлик аниқланган.

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда тромбоцит қобиғида холестерин ва фосфолипид миқдорини кўпайиб бориши, тромбоцитлар қобиғининг "қаттиқлиги" ни ортиб боришига сабаб бўлиб ва натижада қоннинг реологик хусусиятларига манфий таъсир кўрсатиши билан боғлиқлиги исботланган;

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертониянинг патогенезида аниқланган биохимик бузилишларини назарга олган ҳолда, дифференцирланган терапиянинг нафақат клиник-гемодинамик кўрсаткичларга ижобий таъсир қилиши, қобиқстабиллаштирувчи самараси аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда патогенетик даволашда тромбоцитлар агрегацион фаоллиги ва тромбоцит

қобиғининг фосфолипид ва уларнинг фракциялари, холестерин ва уларнинг метаболитлари, иммун яллиғланишнинг маркёрларининг ҳолатини баҳолаш муҳим аҳамиятга эгалиги исботланган;

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда махсус биокимёвий ва иммунологик силжиларнинг патогенетик ролини аҳамиятга олган ҳолда АРА воситасининг (телмисартан) плейтропик яъни, қобиқстабиллаштирувчи самараси исботланган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги илмий ишда қўлланилган ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жиҳатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлиги, қўлланилган усулларнинг замонавийлиги, уларга зарурий клиник, махсус биокимёвий, иммунофермент, асбоби ҳамда статистик усуллар ёрдамида ишлов берилганлиги, юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертониянинг ривожланишининг клиник-патогенетик жиҳатларини таҳлил қилиш, касалликни ташхислаш ва даволашни муқобилаштиришга қаратилган тадбирларни изоҳлашда хорижий ҳамда маҳаллий тадқиқотлар билан таққослангани, хулоса ҳамда олинган натижаларни ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шундан иборатки, юрак ишемик касаллиги артериал гипертония билан бирга келган вақтда, тромбоцит қобиғидаги фосфолипидларни ва холестерин алмашинув жараёнини бузилиши натижасида юзага келадиган чуқур ўзгаришлар ҳолатини ўрганиш учун, тадқиқот олиб боришга замин яратган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, юрак ишемик касаллиги ва коморбид ҳолатларида махсус биокимёвий (фосфодипид ва унинг фракцияларини, холестерин ва унинг метаболитларини, тромбоцитлар агрегацион фаоллиги, иммуняллиғланиш маркёрлари) ва клиник текширувларда (суткалик ЭКГ мониторинги, ВЭМ синамаси, ЭхоКГ, SF-36 хаёт сифати сўровномаси) исботланган кўрсаткичлар, антиишемик, гипотензив ва қобиқстабиллаштирувчи хусусиятига эга бўлган телмисартан гуруҳидаги дори воситаларини амалиётда қўллаш, юрак-қон томир касаллигини асоратларини эрта профилактикасида катта аҳамиятга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда қобиққа боғлиқ ўзгаришларнинг ўзига хослиги ва уларнинг коррекцияси илмий тадқиқот натижалари хулосалари асосида:

“Артериал гипертонияда юрак ишемик касаллигини даволаш алгоритми” номли услубий тавсияномаси тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2020 йилдаги 22 декабрдаги 8 н-д/632-сон маълумотномаси). Мазкур услубий тавсиянома юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертония билан оғриган беморларда дифференциал даволаш усулларини такомиллаштиришга имконият яратди;

юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда қобикқа боғлиқ ўзгаришларнинг тизимни таҳлили ва даволашга патогенетик ёндашиш бўйича олинган тадқиқот натижалари Мирзо Улуғбек туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника, Миробод туманидаги кўп тармоқли марказий поликлиника ва Бухоро вилояти кардиология диспансери амалиётларига жорий қилинган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йилдаги 24 февралдаги 8 н-д/74-сон маълумотномаси). Тадбиқ қилинган натижалар юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертония билан бирга келган ҳолларда касалликнинг клиник кечишини, хаёт учун хавфли асоратлар ривожланишини хавфини камайтириш, қўлланиладиган самарали даволаш ва профилактика усуллари оптималлаштириш, хаёт сифатини яхшилаш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 3 та халқаро илмий-амалий конференцияларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган бўлиб, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларида 7 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби, кириш, 4 та бобдан, хулосадан, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 115 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги ва зарурлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари асослаб берилган, тадқиқот объекти ва предмети тавсифланган, республикада фан ва технологияларнинг устивор йўналишларига мувофиқлиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва олинган натижаларнинг амалий аҳамияти, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилмаси бўйича маълумотлар баён қилинган.

Диссертациянинг **“Юрак ишемик касалликларининг эпидемиологик хусусиятлари”** биринчи бобида тўрта кичик боблардан иборат адабиётлар мунозараси тақдим қилинган бўлиб, юрак ишемик касалликларининг эпидемиологик хусусиятлари, ЮҚТК ривожланишида хужайра қобигининг патологияси тромбоцитлар қобигидаги функционал ҳолатидаги ўзгаришлар ва уларнинг юрак-қон томир касалликларини ривожланишидаги роли, юрак ишемик касаллиги артериал гипертония билан оғриган беморларнинг ўзига хос даволаш хусусиятлари ва сартанларнинг юрак-қон томир касалликларини даволашда самарадорлиги ҳақидаги замонавий тасаввурлар тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Материаллар ва тадқиқот усуллари, текширилган беморларнинг клиник тавсифи”** иккинчи бобида текширилган беморларнинг умумий тавсифномаси маълумотлари, тадқиқотнинг клиник-гемодинамик,

лаборатор, функционал услублари келтирилган. Тадқиқот баённомасига мувофиқ 2016 йилдан то 2018 йилгача бўлган давр ичида 131 та беморда комплекс текширув ўтказилган. Илмий тадқиқот Тиббиёт ходимларининг касбий малакасини ривожлантириш марказининг кардиология ва геронтология кафедраси жойлашган базаларида амалга (Тошкент шаҳар №7-сонли клиник шифохонаси, Республика ихтисослаштирилган илмий амалий кардиология маркази ва “Hayat medical center”).

Тадқиқотга 131 та 38-76 ёшдаги (ўртача ёш $61 \pm 1,3$) бўлган юрак ишемик касаллиги билан хасталланган беморлар жалб этилди. Шулардан 106 тасини юрак ишемик касаллиги (ЮИК) ва артериал гипертонияли беморлар (АГ) ташкил этди (асосий гуруҳ), 25 та беморда таққослаш гуруҳига киритилди (АГсиз ЮИК) ва 20 та одам соғлом гуруҳни ташкил этди (юрак қон томир тизимига шикоят бўлмаганлар). Артериал гипертензиянинг даражасига кўра ташхислаш ЖССТ / ХАГЖ (2010/1999 й.) таснифига кўра олиб борилди, юрак ишемик касаллиги зўриқиш стабил стенокардияси функционал синф ташхиси Канада Кардиологлар Жамиятининг тавсиясига биноан амалга оширилди. Барча беморларда клиник текширув, ўз ичига қондаги тромбоцитлар қобиғидаги фосфолипидларнинг фракцияларини юпқа қатламли хроматография бўйича ажратиш, умумий холестерин миқдорини ва унинг фракцияларини, қон зардабидаги цитокинларни ўрганиш, тромбоцитлар агрегация фаоллигини аниқлаш киритилган биокимёвий текширув, артериал қон босими Коротков усули ёрдамида, SF-36 сўровномаси "ҳаёт сифати" шкаласи ёрдамида, электрокардиограмма, суткалик электрокардиограмма мониторинги (суткалик электрокардиограмма мониторинги), эхокардиография (ЭхоКГ), шунингдек велоэргометрик синамаси каби текширувлар ўтказилди.

Тадқиқотга юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморлар даволаш усулига кўра “тасодикий” танлов йўли билан 2 гуруҳга бўлинди. 1 гуруҳ ($n=40$) беморлари телмисартан дори воситасини 40-80 мг, 2 гуруҳ ($n=41$) эналаприл дори воситасини 10-20 мг миқдорида қабул қилди.

Тадқиқот давомида олинган маълумотлар Intel core шахсий компютерида Microsoft Office Excel – 2015 дастурий пакети ёрдамида статистик ишлов берилди, жумладан, статистик ишлов беришнинг ички функцияларидан фойдаланиш, шунингдек, STATISTICA- 6,0 дастурий пакетидан фойдаланиш. Ўртача арифметик ўрганилаётган кўрсаткич (M), ўртача квадратик оғиш ($СД$), стандарт ўртача хато (m), нисбий қийматлар (частота, %), ўртача қийматларни таққослашда олинган ўлчовларнинг статистик аҳамиятини ҳисоблаш билан вариацион параметрик ва параметрик бўлмаган статистик усуллардан фойдаланилган усуллар Стьюдент мезонлари (t) томонидан тақсимотнинг нормаллигини текширишда хато (p) эҳтимолини ҳисоблаш ва умумий вариацияларнинг тенглиги (Фишер f - мезонлари). Статистик жиҳатдан муҳим ўзгаришлар учун $p < 0,05$ ишончлилиги даражаси қабул қилинди. Гуруҳларни сифат жиҳатидан таққослашда χ^2 мезонлари ишлатилган. Миқдорий ўзгарувчилар ўртасидаги боғлиқликни ўрганиш учун

Пирсоннинг чизикли корреляция коэффициентини ҳисоблаш билан корреляция таҳлиллари қўлланилди.

Диссертациянинг “**Олинган шахсий натижалар таҳлили**” учинчи бобида текшурувга олинган, юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияси бўлган беморларнинг хавф омиллари ва клиник-гемодинамик кўрсаткичларининг 106 та беморда текширувдан ўтказилди. Текшурувга олинган, юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда учрайдиган хавф омиллардан чекиш+семизлик+алкогол биргаликда келиши 50% (n=53) ни, семизлик+гиподинамия 23,6% (n=25), алкоголь+чекиш 17% (n=18), ирсият+алкогол+чекиш 9,44% (n=10) ташкил қилди. Беморларнинг клиник белгиларини таҳлилида юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларимиз бошнинг турли соҳасидаги оғриққа, бош айланишига, бошидаги оғирлик хисига ва ҳолсизликга шикоят қилди, 75% (n=79) ҳолатда бош оғриғига, 64% (n=68) кулоқдаги шовқинга, 59% (n=63) ҳолсизликга, 45% (n=48) тахикардия ва 41% (n=44) бош айланишига шикоят қилди. Беморларимизнинг 95,2% (n=101) ангиноз оғриқ аниқланди, турли хил интенсивликдаги жисмоний фаоллик ва психо-эмоционал зўриқиш пайтида юз берадиган босувчи, сиқувчи, тўш ортидаги оғриқ ҳолатлари намоён бўлди. Текширув натижаларига кўра, 4,7% (n=5) беморда ЮИК оғриқсиз шаклини ташкил қилди, 48,1% (n=51) тўш орти соҳасида оғриққа шикоят бўлиб, сиқувчи оғриқ 14,2% (n=15) да, босувчи оғриқлар 33% (n=35) кузатилди. Ангиноз оғриқлар асосан зўриқишдан кейин ёки нитроглицерин қабул қилгандан кейин бартараф этилган.

Беморларда стенокардик хуружаларининг сони бир кунда $4,2 \pm 0,94$ ни ташкил этган бўлса, қабул қилган нитроглицерин сони $4,0 \pm 0,90$ га тенг бўлди.

Хаёт сифати (ХС) юрак-қон томир тизими касалликлари бўлган беморларни оғирлик даражаси ва даволаш самарадорлигини баҳолашда муҳим ажралмас ва мустақил кўрсаткич ҳисобланади. Беморнинг функционал имкониятларини аниқлаш, хаёт сифатини баҳолашнинг энг муҳим таркибий қисмидир. Ушбу илмий изланишда жисмоний ҳолатни баҳолашда артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги ва юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда (ХС) ни пасайиши кузатилганлигини аниқладик. Қуйидаги кўрсаткичлар бўйича артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги ва юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларнинг гуруҳини таққослашда ХС кўрсаткичларидаги статистик жиҳатдан сезиларли фарқлар: жисмоний ҳолати туфайли рол фаоллиги юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморлар гуруҳда ишончли равишда артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги беморлар гуруҳига нисбатан ($p < 0,0001$) 53,13% га паст; оғриқ интенсивлиги эса 65,2% га ($p < 0,0001$) паст эканлиги аниқланди.

Юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли бўлган беморлар гуруҳдаги жисмоний фаоллиги қийматининг паст бўлиши беморларнинг жисмоний фаоллиги сезиларли даражада чекланганлигини кўрсатади. Артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги ва юрак ишемик касаллиги

ва артериал гипертонияли беморларнинг психологик статусини баҳоланганда барча шкала бўйича қарама қарши кўрсаткичлар аниқланди.

Юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда ИФ шкаласи бўйича баллар артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги бўлган беморлар гуруҳига нисбатан мос равишда 23% ($p < 0,05$) паст кўрсаткични ташкил қилди. Айти шу ҳолат психологик статус кўрсаткичи тарафидан ҳам кузатилди ($51 \pm 8,6; 64 \pm 4,98$ балл) ва олинган натижалар ишончсиз даражага эга бўлди.

Шу билан бирга, юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларнинг ҳаётий фаоллиги шкаласи бўйича артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги беморларга нисбатан 25,5% га пастлиги намоён бўлди ($54 \pm 8,2; 43 \pm 4,99$ балл), бу ҳолат беморларда ҳаётий фаоллигининг паст эканлигини ва статистик жиҳатдан ишончсизлигини кўрсатади. Юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларнинг физик фаоллиг кўрсаткич шкаласи ҳам артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги беморларга нисбатан 23% га ($p < 0,05$) пастлиги кузатилди. Шундай қилиб, олинган маълумотларга кўра, ЮИК билан оғриган беморларнинг ҳиссий ҳолати кундалик фаолиятга халақит беради, нормал ишларни бажариш учун кўп вақт сарфлайди, иш ҳажмини ва сифатини пасайтиради.

Тадқиқотга жалб этилган, юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларимизнинг дастлабки САБ кўрсаткичи $157,2 \pm 4,93$ мм.сим.уст. га тенг бўлса, артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги беморларда $122,1 \pm 4,04$ мм.сим.уст. га тенг бўлди, яъни юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли САБ соғлом гуруҳга нисбатан 33% юқори бўлса ($p < 0,0001$), АГ сиз ЮИК ли беморларимизга нисбатан 29% га ($p < 0,0001$) юқори эканлиги намоён бўлди.

ДАБ нинг дастлабки кўрсаткичи ЮИК ва АГ ли беморларда $99 \pm 4,36$ мм.сим.уст. га ва АГ сиз ЮИК ли беморларда $79,2 \pm 2,56$ мм.сим.уст. га тенг бўлди, яъни ЮИК ва АГ ДАБ соғлом гуруҳга нисбатан 31,2% юқори бўлса ($p < 0,0001$), АГ сиз ЮИК ли беморларимизга нисбатан 25,7% га ($p < 0,0001$) юқори эканлиги намоён бўлди. ЮҚС кўрсаткичи таҳлили натижалари гуруҳлараро ишонарли фарқни кўрсатмади ($78,6 \pm 3,1; 75,3 \pm 3,13$ 1 дақиқада уруш сони). Беморларда суткалик электрокардиограмма мониторинг кўрсаткичларини баҳолаш ЮИК ва АГ ли беморларда АГ сиз ЮИК ли беморларга нисбатан ўртача юрак қисқариш сони (ЎЮҚС) ($77,2 \pm 3,6$ 1 дақиқада) 10,7% га юқори, максимал юрак қисқариш сони (МЮҚС) ($162 \pm 6,46$ 1 дақиқада) 10,5% юқори бўлди. Шу билан биргаликда Лаун таснифидаги 1,2,3,4 градияцияли кўп сонли қоринчалар аритмияси (ҚА) ($344,5 \pm 7,1$) АГ сиз ЮИК ли беморларга нисбатан ($335 \pm 8,65$) 10,3% га юқорилиги аниқланди. Қоринча усти аритмияси (ҚУА) ЮИК ва АГ ли беморларда ($900,3 \pm 45,15$) АГ сиз ЮИК ли беморларга ($845,2 \pm 24,69$) нисбатан 10,6% кўпроқ қайд этилди. ST ишемия эпизодларини сони (СТИЭС) эса $6,5 \pm 1,13$ тенг бўлиб, АГ сиз ЮИК ли беморларга ($5,3 \pm 0,8$) нисбатан 22,6 % га юқори. Олинган натижалар ишонарли қийматга эга, қоринчалар экстрасистолия сони жиҳатдан гуруҳлар ўртасида фарқ аниқланмади. Холтер


ЭКГ мониторинги маълумотларига асосланиб, артериал гипертонияси ва юрак ишемик касаллигининг ЭКГ кўрсаткичларига салбий таъсир кўрсатади деб баҳолаш мумкин. ЮИК ва АГ ли беморларда қоринчалар ва суправентрикуляр экстрасистолалари, бу миокарддаги электр беқарорлигига олиб келадиган эндоген катехоламинлар миқдорини ошиши билан боғлиқ. β -адренергик рецепторларини стимуляцияси синус тугунда адреналин концентрациясининг маҳаллий ўсишига шунингдек АВ тугун орқали импульслар тезлигини ортиши, бу эса суправентрикуляр аритмия юзага келиш хавфини оширади. Беморларнинг эхокардиография кўрсаткичларини баҳолашда эхокардиографик маълумотларга кўра ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳида чап қоринча отиш кучи ($58,2 \pm 6,8\%$) АГ сиз ЮИК ли ($60,5 \pm 5,8\%$) гуруҳдаги беморларга нисбатан $10,3\%$ паст кўрсаткични кўрсатди. Олинган ушбу маълумотларда; ЮИК ва АГ ли бўлган беморларда чап бўлмача ўлчови $4,8 \pm 3,8$ см, АГ сиз ЮИК ли беморларда эса $4,0 \pm 3,2$ см тенг бўлди. Маълумотларга кўра, иккала гуруҳдаги беморларда юрак чап қоринчасининг гипертрофия аломатлари намоён бўлди.

ВЭМ синамаси иккала гуруҳ беморларда олиб борилди, ЮИК ва АГ ли беморларда зўриқиш кучи (пороговая мощность) $99,8 \pm 2,3$ Wt, АГ сиз ЮИК ли беморларда эса $109 \pm 3,8$ Wt га тенг бўлди. Шу билан биргаликда (нагрузка) зўриқиш давомийлиги дастлабки кўрсаткичи ЮИК ва АГ ли гуруҳда $8,3 \pm 1,8$ га тенг бўлган бўлса, АГ сиз ЮИК ли беморларда эса $9,2 \pm 2,3$ ни ташкил этди.

Гуруҳлараро таҳлил натижасига кўра, зўриқиш кучи ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳида АГ сиз ЮИК ли беморларга нисбатан $10,9\%$ ($p < 0,05$) га паст эканлиги кузатилди, зўриқиш давомийлиги эса $10,8\%$ га.

Текширувга жалб қилинган беморларнинг биохимик текшируви таҳлилида, биологик мембранада оксил билан липидлар ажралмас қисмдир. Шунини таъкидлаш керакки, кўплаб патологик жараёнларнинг ривожланиши липид метаболизмининг, асосан фосфолипидларнинг бузилиши билан боғлиқ бўлиб, улар хужайрадаги қайтмас ўзгаришларга олиб келади. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда текширувга жалб қилинган беморларда тромбоцит қобиғидаги фосфолипид алмашинувини ўрганиб чиқдик.

Олинган натижаларга кўра, ЮИК ва АГ хамда АГ сиз ЮИК ли беморларда тромбоцит қобиғидаги фосфолипидлар алмашинув ҳолати соғлом гуруҳга нисбатан бузилиши аниқланди. Аммо шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, тромбоцит қобиғидаги фосфолипид алмашинуви бузилиши ЮИК ва АГ ли беморларимизда сезиларли даражада намоён бўлди.



1-расм. Беморларда тромбоцит қобиғидаги фосфолипид таркиби ҳолати (мг%)

Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,02$; *** $p < 0,0002$; соғлом гуруҳга нисбатан,

° $p < 0,05$ гуруҳлараро таҳлил


1-расмдаги маълумотларга кўра, тромбоцит қобиғидаги фосфолипидларнинг таркибининг бузилишида гуруҳлараро фарқ аниқланди.

ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳида ЛФХ миқдори ($6,88 \pm 0,8$ мг%), соғлом гуруҳга нисбатан ($4,59 \pm 0,18$ мг%) 49,9 % ($p < 0,0002$) юқори бўлди. ЛФХ фосфолипид фракциясининг миқдори ЮИК ва АГ ли беморларда АГ сиз ЮИК ли беморларга нисбатан 25,09 % ($p < 0,05$) юқори эканлиги кузатилди. Фосфолипид фракцияси ФХ томонидан қарама-қарши томонга силжиш кузатилди. Олинган маълумотларга кўра, ЮИК ва АГ ли беморларда ФХ фракцияси $37,25 \pm 2,8$ мг% га тенг бўлди, бу кўрсаткич соғлом гуруҳга $44,8 \pm 1,2$ мг% нисбатан 20,2% ($p < 0,02$) га камайганлигини кўриш мумкин. АГ сиз ЮИК ли беморларда ушбу тоифадаги липиднинг пасайиши соғлом гуруҳга нисбатан 12 % $40 \pm 3,67$ мг% ни ташкил этди. Бу фосфолипид фракцияси ЮИК ва АГ ли беморларда АГ сиз ЮИК ли беморларга нисбатан 10,7 % га пасайганини кузатиш мумкин.

ФЭА липид фракцияси ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳида $21 \pm 1,4$ мг% тенг бўлиб, соғлом гуруҳга ($25,9 \pm 1,8$ мг%) нисбатан 23,3 % ($p < 0,01$) га камайди. АГ сиз ЮИК ли беморлар гуруҳида ($23,4 \pm 3,77$ мг%) эса соғлом гуруҳга нисбатан 10,7 % га камайган. Гуруҳлараро таққослаш таҳлили, ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳида ФЭА фракцияси АГ сиз ЮИК ли гуруҳга нисбатан 11,42 % пасайгани кузатиш мумкин.

ФС липид фракцияси ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳида ($14,31 \pm 1,35$ мг%) соғлом гуруҳга нисбатан ($8,63 \pm 0,99$ мг%) 65,81 % га ($p < 0,0002$), АГ сиз ЮИК ли беморлар гуруҳида ($11 \pm 0,62$ мг%) 27,46 % ($p < 0,05$) га камайди. ФС фракцияси ЮИК ва АГ ли беморларда АГ сиз ЮИК ли беморларга нисбатан 30 % ($p < 0,05$) ишонarli даражада пасайиши кузатилди.

Хужайра қобиғининг асосий таркибий қисмларидан бири бу холестерин ҳисобланади (ХС). ХС муҳим органик моддадир. У асосан жигарда (эндоген холестерин) синтезланади ва танага озик-овқат (экзоген холестерин) билан қисман киради. Холестерин тананинг барча органлари ва тўқималарининг хужайра қобиғининг ҳосил қилади, тўлиқ ривожланиш, ўсиш ва балоғат учун зарур бўлган стероид гормонларининг пеш қадами бўлиб ҳисобланади, ва ичакдан озуқавий моддаларни сўрилишини таъминлайдиган сафро кислоталари синтезида иштирок этади.



2-расм. Беморларда тромбоцит қобиғдаги холестерин ва унинг метаболитлари таркиби ҳолати (мг%)

Изоҳ: **** $p < 0,0001$, *** $p < 0,0002$; ** $p < 0,01$ соғлом гуруҳга нисбатан, $p < 0,05$ гуруҳлараро таҳлилга нисбатан

Ушбу илмий изланишимизда, УХС ва унинг метаболитлари таркиби ўрганилди ва натижада тромбоцитлар қобиғдаги холестерин алмашинувининг таркиби ва нисбати бўйича гуруҳлар ўртасида фарқ ҳосил бўлди. ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳдаги тромбоцит қобиғдаги УХС миқдори соғлом гуруҳга нисбатан 40,5 % га ($p < 0,01$) юқори бўлди. Шу билан бир қаторда соғлом гуруҳга нисбатан ЭХС кўрсаткичи 62,9 % га ($p < 0,0001$) ортиб борди. Қарама-қарши динамика эса ЭБХС томонидан кузатилди, яъни соғлом гуруҳга нисбатан бу холестерин метаболити 35,1 % га ($p < 0,0001$) пасайди. ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳдаги тромбоцит қобиғдаги ЭХС миқдори АГ сиз ЮИК гуруҳга нисбатан 23,8 % га ($p < 0,05$), ЭХС кўрсаткичи соғлом гуруҳга нисбатан 34,1 % га ($p < 0,05$) ортиб борди. Шу билан бир қаторда, ЭБХС ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳида тромбоцит қобиғдаги ЭБХС миқдори соғлом гуруҳга нисбатан 35,1 % ($p < 0,05$) га. АГ сиз ЮИК ли гуруҳига нисбатан эса 21,6 % ($p < 0,05$) га пасайи кузатилди.

Текширувга олинган гуруҳнинг ялиғланиш биомаркер кўрсаткичлари
(M±m)

№	Ўрганилган кўрсаткичлар	ЮИК+АГ (n=106)	ЮИК (n=25)	Соғлом гуруҳ (n=20)
1.	СРО гр/л	4,0±0,67***	3,0±0,33***	0,86±0,03
2.	ИЛ-6, пгр/мл	15,0±2,38***	13,6±1,85***	3,7±0,26
3.	ЎНФ-а, пгр/мл	9,0±1,77*	7,0±1,4	5,2±0,4
4.	ИЛ-18, пгр/мл	150,2±7,1***	144,5±2,75***	107,4±3,1

Изоҳ: *p<0,05; ***p<0,0001 соғлом гуруҳга нисбатан, гуруҳлараро таҳлил ишончсиз


ЮИК ривожланишида иммунялиғланиш реакцияларининг ролини аниқлаш учун ЮИК ва АГ ли ва АГ сиз ЮИК бўлган беморларда ялиғланишга қарши цитокинларнинг кўрсаткичлари ўрганилди. Умуман олганда, ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳида ИЛ-18 даражасининг ўртача қиймати 150,2±7,1 пг/мл ни, АГ сиз ЮИК ли беморлар гуруҳида эса 144,5±2,75 пг/мл ташкил этди. Юқори даражадаги ИЛ-6 иккала гуруҳда ҳам аниқланди. ЮИК ва АГ ли беморлар гуруҳидаги ўртача қиймати мос равишда ЮИК ва АГ ли беморларда 15±2,38 пг/мл, АГ сиз ЮИК беморларда 13,6±1,85 пг/мл ни ташкил этди. Шу билан бирга, ЎНФ-а даражасининг кўтарилиши кузатилди, унинг ЮИК ва АГ ли беморларда ўртача қиймати мос равишда 9,0±1,77 пг/мл ва АГ сиз ЮИК ли беморларда 7,0±1,4 пг/мл ни ташкил этди.

Диссертациянинг “Телмисартан ва эналаприл дори воситасининг самарадорлигини баҳолаш” тўртинчи бобида юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларнинг терапиядан кейинги клиник гемодинамик кўрсаткичларини хусусиятлари ўрганилиб чиқилди.

1 гуруҳ беморларда 4 хафталик терапиядан сўнг, систолик артериал босим (САБ) (158,6±3,5 дан 130±5,6 мм.сим.уст) дастлабки кўрсаткичга нисбатан 22% (p<0,0001), диастолик артериал босим (ДАБ) эса (101±4,2 мм.сим.уст дан 86±5,4 мм.сим.уст) 17,5% (p<0,05) га камайди. 8 хафталик даводан сўнг эса 1 гуруҳ беморларда САБ (158,6±3,5 дан 125,6±5,2 мм.сим.уст) 26,27% (p<0,0001) га, ДАБ (101±4,2 дан 84±5,3 мм.сим.уст) 20,23% га (p<0,02) дастлабки кўрсаткичга нисбатан камайди.

Эналаприл қабул қилган беморларда яъни 2 гуруҳ беморларда 4 хафталик терапиядан сўнг САБ (156,8±5,3 дан 136±4,3 мм.сим.уст) дастлабки кўрсаткичга нисбатан 15,3 % (p<0,01), ДАБ эса (100±4,2 мм.сим.уст дан 88±3,5 мм.сим.уст) 13,6% га (p<0,05) камайиши кузатилди. 8 хафталик даво муолажасидан сўнг САБ дастлабки кўрсаткичларга нисбатан (156,8±5,3 дан 127±5,2 мм.сим.уст) 23,46% га (p<0,0001), ДАБ эса (100±4,2 мм.сим.уст дан 85±3,5 мм.сим.уст) 17,6% (p<0,02) гача пасайиши намоён

бўлди. Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки ҳар иккала гуруҳда АҚБ самарали пасайиши 8 ҳафтадан сўнг намоён бўлди.



3-расм. ЮИК ва АГли беморларнинг гемодинамик кўрсаткичлари (мм.сим.уст., ЮҚС 1 дақиқада)


Изоҳ: * $p < 0,05$; ** $p < 0,02$; *** $p < 0,01$; **** $p < 0,0001$ дастлабки кўрсаткичларга нисбатан

1 гуруҳ беморларда юрак қисқариш сони $79 \pm 5,7$ дан $70 \pm 2,64$ 1 дақиқа га (11,3%) га пасайди, 2-гуруҳ беморларда $77 \pm 5,78$ дан $72 \pm 2,82$ 1 дақиқа гача (10,7%) га пасайиши намоён бўлди. Олинган натижалар статистик ишонарли даражага эга бўлмади.

Телмисартан ва эналаприл терапияси фонида, стенокардия клиникасида ижобий натижаларга эришилди, бу ҳолат хуружлар сонини камайиши билан ифодаланди. Гуруҳлараро таҳлил шуни кўрсатдики 2 гуруҳда хуружлар сони $2,7 \pm 0,7$ дан $1,25 \pm 0,3$ гача, 1 гуруҳда эса $2,5 \pm 0,5$ дан $1,15 \pm 0,2$ гача камайди. Шунини таъкидлаб ўтиш лозимки, стенокардик хуружлар 1 чи гуруҳдаги беморларда 2 гуруҳга нисбатан 10,8% га кам учраши кузатилди.

Физик зўриқишга бардошлилигини тавсифловчи параметрларнинг динамикаси шуни кўрсатадики, 1 гуруҳда зўриқиш кучи (пороговая мощность) $99,4 \pm 2,8$ дан $112 \pm 6,5$ Wt гача (12,7%; $p < 0,05$) сезиларли даражада ошишига эришдик. 2-гуруҳда эса $100,5 \pm 3,7$ дан $112,3 \pm 5,1$ Wt (11,7%; $p < 0,05$) гача кўтарилди. Зўриқиш (нагрузка) кучининг давомийлиги 1 гуруҳда $8,4 \pm 0,6$ дан $9,9 \pm 0,7$ дақиқагача ва 2 гуруҳда $8,5 \pm 0,6$ дан $9,7 \pm 0,6$ дақиқага кўтарилди. Тадқиқотда “ижобий” тестлар сони 1 гуруҳда 52% дан 23% гача, 2 гуруҳда 51% дан 25% гача камайди.

Иккала гуруҳ беморларда биокимёвий тадқиқотлар натижаси шуни кўрсатдики, терапия жараёнида тромбоцит қобиғида фосфолипидлар таркиби қисмида ижобий динамика кузатилди.



4-расм. Тромбоцит қобиғидаги фосфолипид таркиби ҳолати (мг%)

Изоҳ: гуруҳлараро таҳлил ° $p < 0.05$

ЛФХ, ФС ва ФХ кўрсаткичлар телмисартанга нисбатан сезгир эканлиги намён бўлди. Телмисартан фонида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ЛФХ нинг 32% ($p < 0,05$), ФС 41,6% ($p < 0,05$) сезиларли пасайиши кузатилди, ФХ фракциясининг эса 16,5 % ($p < 0,05$) га ошиши аниқланди. СМ фракцияси 10,09% га, ФЭА нинг фракцияси эса 15,7% соғлом гуруҳга нисбатан ошиши кузатилди. 2 гуруҳ беморларида эса эналаприл фонида дастлабки кўрсаткичларга нисбатан ЛФХ нинг 16,6%, ФС 15,4% пасайиши кузатилди, СМ нинг 10,3%, ФХ 10,35%, ФЭА фракциясининг эса 10,4 % га ошиши аниқланди. Гуруҳлараро таҳлил натижаларига кўра 1 гуруҳда 2 гуруҳга нисбатан ЛФХ нинг 13,46%, ФС 22,7% ($p < 0,05$) пасайиши намён бўлди, ФХ 12,7%, ФЭА фракцияси эса 10,45% га сезиларли даражада юқори кўрсаткичга эга бўлиши кузатилди.

Юрак ишемик касаллиги бўлган беморларда холестерин метаболитлари асосан ЭХС ва ЭБХС мувозанатини бузилиши тромбоцитлар агрегацион фаоллигини ошишига олиб келиши исботланди. Тақдим этилган маълумотлардан кўришиб турибдики, иккала гуруҳда холестерин алмашинуви томонидан ижобий динамика намён бўлган. Телмисартан қабул қилган беморларда УХС миқдори дастлабки гуруҳга нисбатан 30% га ($p < 0,05$), ЭХС 33,4% га ($p < 0,05$) пасайиши кузатилди, ЭБХС эса 16,2% ($p < 0,05$) га юқори бўлди. Эналаприл фонида нисбатан ижобий динамика кузатилди. УХС 10,8%, ЭХС 12,8% пасайди, ЭБХС кўрсаткичи эса дастлабки кўрсаткичга нисбатан 10,27% га ортиб борди.

Гуруҳлараро таҳлил натижаларига кўра 1 гуруҳда 2 гуруҳга нисбатан УХС 20% ($p < 0,05$), ЭХС 18,8% ни пасайиши намён бўлди, ЭБХС эса 13,1% га ортиши кузатилди.

ХУЛОСАЛАР

1. Юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги бўлган беморларга нисбатан, тромбоцит қобиғидаги фосфолипид дисметаболизми янада яққол кузатилди. Бу жараён ЛФХ миқдорининг 25,09% га, ФС 30 % га, ортиб бориши, ФХ 10,7% га, ФЭА 11,42% га, СМ 10,3 % га камайиб бориши билан ифодаланди. Холестерин ва унинг метаболитлари томонидан УХС 23,8 % га, ЭХС 34,14 % га ошиши ва ЭБХС ни 21,6 % пасайиши кузатилди.

2. Корреляцион таҳлил натижаларига кўра, юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда, тромбоцит агрегацион фаоллиги унинг таркибий қисми бўлган ЛФХ ($p<0,001$), ФС ($p<0,001$) ортиб бориши билан ва ФХ ($p<0,001$) камайиши билан бевосита боғлиқлиги аниқланди.

3. Юрак ишемик касаллиги ва артериал гипертонияли беморларда артериал гипертониясиз юрак ишемик касаллиги бўлган беморларга нисбатан, СРО 33,3 % га, ИЛ-18 10,5 % га, ИЛ-6 10,3 %, ЎНФ-а 28,5 % га юқори даражада номоён бўлиши исботланди.

4. Корреляцион боғлиқлик таҳлили яллиғланиш кўрсаткичларидан, ЎНФ-а ортиб бориши тромбоцитлар агрегацион фаоллигини жаддалашуви билан боғлиқ эканлиги аниқланди ($p<0,001$).

5. Телмисартан ва эналаприл дори воситасининг антиишемик, гипотензив хусусиятлари борасида, сезиларли тавофут аниқланмасада, қобиқстабиллаштирувчи хусусияти бўйича телмисартан эналаприлдан устунлик қилди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.04/30.12.2019.Tib. 64.01. ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ РЕСПУБЛИКАНСКОМ МЕДИЦИНСКОМ
СПЕЦИАЛИЗИРОВАННОМ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОМ
МЕДИЦИНСКОМ ЦЕНТРЕ КАРДИОЛОГИИ**

**ЦЕНТР РАЗВИТИЯ ПРОФЕССИОНАЛЬНОЙ КВАЛИФИКАЦИИ
МЕДИЦИНСКИХ РАБОТНИКОВ**

НУРАЛИЕВА ДИЛАФРУЗ МАМАДИЁРОВА

**ОСОБЕННОСТИ МЕМБРАНОЗАВИСМЫХ ИЗМЕНЕНИЙ У
БОЛЬНЫХ ИШЕМИЧЕСКОЙ БОЛЕЗНЬЮ СЕРДЦА В СОЧЕТАНИИ
С АРТЕРИАЛЬНОЙ ГИПЕРТОНИЕЙ И ИХ КОРРЕКЦИЯ**

14.00.06 – Кардиология

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

ТАШКЕНТ – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.2.PhD/Gib1162.

Диссертация выполнена в Центре развития профессиональной квалификации медицинских работников.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.cardiocenter.uz) и Информационно-образовательного портала «ZiyoNet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Тулабоева Гавхар Мирокборовна
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Мухамедова Муяссар Гафуржановна
доктор медицинских наук

Расулова Зулфия Дадаевна
доктор медицинских наук

Ведущая организация: Андижанский государственный медицинский институт

Защита диссертации состоится 4 сентября 2021 г. в 12 часов на заседании Научного совета DSc.04/30.12.2019.Tib.64.01 при Республиканском специализированном научно-практическом медицинском центре кардиологии (Адрес: 100052, г.Ташкент, Мирзо Улугбекский район, ул. Осие 4, Тел./Факс (99871)237-31-57, e-mail: info@cardiocenter.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Республиканского специализированного научно-практического центра кардиологии (зарегистрирована за 7). (Адрес: 100052, г.Ташкент Мирзо Улугбекский район, ул. Осие 4, Тел./Факс (99871)237-31-57).

Автореферат диссертации разослан 14 август 2021 года.
(реестр протокола рассылки № 7 от 14 август 2021 года)



Р.Д. Курбанов

Председатель научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, академик

Г.У. Муллабаева

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

А.Х. Абдуллаев

Заместитель председателя научного семинара при научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По последним данным, сердечно-сосудистые заболевания являются одним из основных факторов высокой смертности и инвалидности среди населения развитых стран. По наблюдениям, с каждым годом увеличивается заболеваемость и его тяжелые клинические проявления. По данным Всемирной организации здравоохранения, «более 80% смертей от сердечно-сосудистых заболеваний (ССЗ) происходит в странах с низким и средним уровнем доходов, причем почти одинаково среди мужчин и женщин. Ежегодно более 17,5 миллионов человек умирают от ССЗ»¹. Сочетание различных проявлений болезни ССЗ приводит к резкому увеличению заболеваемости инвалидностью и летального исхода. В связи с этим сочетание наиболее часто встречающейся артериальной гипертензии (АГ) и ишемической болезни сердца (ИБС) является одной из актуальных проблем кардиологии.

В последние годы во всем мире был проведен ряд научных исследований для достижения эффективности мер по предотвращению осложнений сердечно-сосудистых заболеваний и повышенного риска смерти у пациентов с ишемической болезнью сердца и артериальной гипертензией. Определить причины повышенной активности системы агрегации у пациентов с ишемической болезнью сердца и артериальной гипертензией, механизмы деструктивных изменений мембран тромбоцитов, разработка критериев раннего выявления дисфункции эндотелия сосудов, оптимизировать методы коррекции с учетом специфики биохимические и иммунологические факторы. Так же одной из актуальных проблем является разработка дифференцированных подходов к повышению качества жизни, продлению жизни больных ишемической болезнью сердца и артериальной гипертензией, профилактике осложнений.

В Узбекистане принимаются активные меры по оказанию качественной специализированной кардиологической помощи населению и внедрению высокотехнологичных методов в прикладную медицину. Внимание уделяется реализации мероприятий, направленных на повышение удобства и качества оказываемых населению медицинских и социально-медицинских услуг, формирование у населения здорового образа жизни, совершенствование современных методов диагностики и лечения и повышение эффективности лечения сердечно-сосудистые заболевания.

Согласно №УП-4947 от 7 февраля 2017 года «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан»², №УП-5590 от 7 декабря 2018 года «О комплексных мерах по коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», №УП-4063 от 18 декабря 2018 года «О мерах по профилактике неинфекционных заболеваний, поддержанию здорового образа жизни и повышению уровня физической активности

¹ Всемирная организация здравоохранения. Мировая статистика здравоохранения – 2019. ВОЗ, 2019 г.

² Постановление №УП-4947 «О Стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан», УзР. Сборник юридических документов, 2017 год

населения», № ПП-4891 от 12 ноября 2020 года «О дополнительных мерах по обеспечению здоровья населения путем дальнейшего повышения эффективности медицинской профилактики». Данная диссертация в определенной степени служит для реализации задач, поставленных в других нормативных правовых актах, связанных с этой деятельностью.

Эти данные демонстрируют актуальность исследования для выявления взаимосвязи между ишемической болезнью сердца и различными патогенетическими связями в формировании и развитии артериальной гипертензии, а также для разработки новых подходов к персонализированной терапии.

